

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.B.91.03 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТОҒАЕВ УЛУҒБЕК РАҲМОНҚУЛОВИЧ

**ТЕРМИТЛАРНИНГ (*ANACANTHOTERMES TURKESTANICUS*)
КИМЁВИЙ КОММУНИКАЦИЯСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ
БИОРЕГУЛЯТОРЛАРНИ СТРУКТУР–ФУНКЦИОНАЛ
БОҒЛИҚЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё (биология фанлари)

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тоғаев Улугбек Рахмонкулович

Термитларнинг (*Anacanthotermes turkestanicus*) кимёвий
коммуникациясига таъсир этувчи биорегуляторларни структур-функционал
боғлиқлигини ўрганиш.....5

Тоғаев Улугбек Рахмонкулович

Исследование структурно-функциональной зависимости
биорегуляторов, влияющих на химическую коммуникацию термитов
(*Anacanthotermes turkestanicus*).....21

Togaev Ulugbek Rakhmonkulovich

Investigation of the structure-activity relationship for bioregulators affecting
the chemical communication of termites (*Anacanthotermes turkestanicus*).....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.B.91.03 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТОҒАЕВ УЛУҒБЕК РАҲМОНҚУЛОВИЧ

**ТЕРМИТЛАРНИНГ (*ANACANTHOTERMES TURKESTANICUS*)
КИМЁВИЙ КОММУНИКАЦИЯСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ
БИОРЕГУЛЯТОРЛАРНИ СТРУКТУР–ФУНКЦИОНАЛ
БОҒЛИҚЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё (биология фанлари)

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/B500 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилди
Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сahифасида (www.guldu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тиллябаев Заитжон
биология фанлар доктори

Расмий оппонентлар:

Цеомашко Наталья Евгеньевна
биология фанлар доктори

Позилев Абдуваит
биология фанлар доктори, профессор

Етакчи таъкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация химояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги DSc.03/05.06.2020.B.91.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «4» май соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-микрорайон., Тел.: 225-42-75, факс: (99867) 225-40-42).

Диссертация билан Гулистон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишши мумкин (3 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-микрорайон., Тел.: 225-42-75, факс: (99867) 225-40-42), e-mail: zafar@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «19» 04 да тарқатилди.

(20210 йил 19.04 даги 3 рақамли реестр баённомаси)



Х.Х.Қўшиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

З.У.Абдуқулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., доцент

Н.Р.Хашимова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда термитларни халқ хўжалигига етказётган зарарли оқибатлари йил сайин ортиб бормоқда. Ҳозирги даврда термитларнинг 2900 ортиқ тури маълум бўлиб, улардан 120 тури зараркунанда сифатида қайд қилинган. «Ғарбий Африка, АҚШ ва шу каби бошқа давлатларда биноларга термитларнинг келтираётган зарари таҳлил қилинганда, 25 минг донадан иборат бўлган битта оиласи йил давомида ўртача 50 минг см³ ҳажмга эга бўлган целлюлозани истеъмол қилиши аниқланган»¹. Термитларнинг целлюлоза истеъмол қилиш ҳолати, уларнинг ҳазм безларидан ажраладиган суюқликлар таркибида юқори фаолликка эга бўлган симбионт ферментлар таъсирида юзага келадиган биокимёвий жараёнлар билан изоҳланади. Шунга кўра термитларнинг ҳазм безлари ва симбионт ферментлар фаоллиги билан боғлиқ биокимёвий жараёнлар фаоллигини бошқариш имкониятига эга бўлган кураш усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда термитларни назорат қилиш йўналишидаги кўпгина йирик илмий марказлар термитларнинг тарқалиши, уларнинг умуртқали-умуртқасиз ҳайвонлар ҳамда микроорганизмлар билан муносабатини аниқлаш асосида популяциясини қисқартириш ва миқдорий кўрсаткичларини назорат қилиш мақсадида замонавий биологик кураш услубларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада бугунги кунда термит популяцияларининг тарқалиши ҳамда ҳазм безлари ва симбионт ферментлари фаоллиги билан боғлиқ физиологик-биокимёвий жараёнларни аниқлаш, шунингдек термитларда паразит-микроорганизмларнинг янги турларини топиш, патоген замбуруғ ва микроорганизмлар асосида захарли ем-хўрак яратиш асосида термитларга қарши кураш усулларини янада такомиллаштириш билан бирга феромонлар ёрдамида уларнинг ҳаракатини бошқариш тизимини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда термитларга қарши курашиш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар асосида кимёвий ва биологик усуллардан фойдаланган ҳолда назорат қилишнинг самарали воситаларини ишлаб чиқиш борасида муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² «Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш» бўйича алоҳида вазифалар белгиланган. Ушбу нуқтаи назардан диссертацияда термитларга қарши курашишда турли хил бирикмалар синфларининг ролини аниқлаш асосида самарали термицидлар

¹ <http://www.ars.usda.gov/is/pr/2010/100217.htm>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

яратиш ва *Anacanthotermes turkestanicus* термитининг кимёвий коммуникациясига таъсир этувчи биорегуляторлардан фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 сентябрдаги 725-сон “Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида”ги 2012 йил 2 февралдаги 27-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий манбаларда термитларнинг 3000 дан ортиқ турлари маълум (Krishna K. et.al., 2013). Осиёда термитларнинг 435 тури мавжуд. Ўрта Осиё республикалари ҳудудида *Anacanthotermes* нинг икки тури, яъни катта каспийорти термити- *Anacanthotermes ahngerianus*) ва Туркистон термити- *Anacanthotermes turkestanicus* энг кўп тарқалган. Узоқ вақт давомида термитларга қарши курашда хлорорганик, фосфорорганик, карбамат, пиретроид табиатида хос турли хил кимёвий токсик моддалардан фойдаланиб келинган (Spomer N. A. 2011, Shelton T 2014. G., Tilyabaev Z., 2017). Бу моддаларнинг атроф-муҳит объектларида тўпланиш қобиляти, танлаб таъсир хусусиятига эга эмаслиги ва одамларга ҳамда фойдали ҳайвонларга салбий таъсир кўрсатиши сабабли бундай бирикмаларни қўллаш, ишлаб чиқариш ва сотиш тақиқланган (Stenersen J 2004., Зинченко В.А 2005.).

МДХ мамлакатларида синтетик препаратларнинг термитларга таъсирини ўрганиш бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилган (Ҳамраев А. Ш. 2008., Давлетшина А.Г. 1966., Алимджанов Р.А. 1972., Какалиев К. 1973.). Ўзбекистонда термитларга қарши курашнинг самарали воситаларини қидириш ишлари Ўзбекистон Фанлар академиясининг Зоология ва Биоорганик кимё институтлари, Республика термитларга қарши кураш маркази, Хоразм Маъмун академияси, Урганч давлат университети ва Тошкент аграр университетида давом эттирилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасаларининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф-3-ТО56 «Ўзбекистонда

термитларнинг кимёрепцияси. Феромонлар таҳлили, озиқа аттрактантлари, антифидантлар, ювиноидлар, экдистероидлар, хитин синтезининг ингибиторлари ва термитларнинг кимёвий коммуникациясига таъсир қилувчи бошқа моддалар» ва №ФА-А9-Т050 «Термитларга қарши инсектицидлар яратиш» фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аттрактантлик хусусиятига эга бўлган табиий ва синтетик бирикмалар асосида *Anacanthotermes turkestanicus* термитининг кимёвий коммуникациясига самарали таъсир этувчи термитцитлар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нафталин ҳосилалари, этиленгликол ва диэтиленгликолнинг моноэфирлари ҳамда анабазин ва госсиполнинг термитцидлик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

термитларга қарши заҳарли ҳамда фагостимулятор фаоллиги мавжуд бўлган 2-феноксизтанол ва 2-нафталинметанолнинг синтези ва биологик хоссаларини таҳлил қилиш;

этиленгликол ва диэтиленгликолларнинг моноэфирли таркибга эга бўлган ҳосилаларини синтез қилиш ва биостимуляторлик таъсирини аниқлаш;

нафталин ҳосилалари, этиленгликол ва диэтиленгликолнинг моноэфирлари ҳамда анабазин ва госсиполнинг фагостимуляторлик хоссаларини ўрганиш;

термитларнинг из феромонини таҳлил қилиш;

лаборатория шароитида таҳлил қилинган бирикмаларнинг аттрактивлик хоссаларини дала майдонларида тадқиқ қилиш ва термитларга қарши тутқичлар яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатидатермитларнинг Марказий Осиёда тарқалган *Anacanthotermes turkestanicus* тури ҳамда нафталин ҳосилалари, этиленгликол, диэтиленгликолнинг моноэфирлари, анабазин ва госсипол олинган.

Тадқиқотнинг предмети аттрактантлик хусусиятига эга бўлган синтетик ва табиий бирикмалар асосида термитларнинг кимёвий коммуникациясига самарали таъсир этувчи термитцитлар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар олиб бориш давомида синтез, экстракция, колонкали хроматография, юпқа қатламли хроматография, ИҚ спектроскопия, юқори самарали суюқлик хроматографияси, газ хроматографияси-масс-спектроскопия ҳамда феромонини аниқлаш (Карлсон) усулларидадан фойдаланилди.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги:

илк бор нафталиннинг α -нафтиламин, β -окси-1-нафталдегид, α -нафтол, β -нафтол модификациявий тузилмасига эга бўлган ҳосилалари, этиленгликол ва диэтиленгликолнинг моноэфирлари ҳамда анабазин ва госсиполнинг термитларга нисбатан аттрактив хоссалари аниқланган;

нафталин ҳосилалари таркибида фагостимулятор сифатини белгиловчи детерминантларнинг мавжудлиги аниқланган;

этиленгликол ва диэтиленгликол моноэфирларининг термитларга нисбатан фагостимуляторлик хоссалари исботланган;

илк бор ишчи термитларнинг қорин сегменти экстрактининг фаол фракцияларида из феромонига хос реакциялар аниқланган;

нафтол ҳосилалари ҳамда этиленгликол ва диэтиленгликолнинг моноэфирлари асосида хўракли тузоқлар яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

этиленгликол ва диэтиленгликол моноэфирларининг термитларга нисбатан фагостимуляторлик хоссалари исботланган;

ишчи термитларнинг қорин сегменти экстрактининг фаол фракцияларида из феромонига хос реакциялар аниқланган;

нафтол ҳосилалари ҳамда этиленгликол ва диэтиленгликолнинг моноэфирлари асосида хўракли тузоқлар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда келтирилган маълумотларнинг ишончлилигига мутахассисларнинг баҳолари, шунингдек, уларнинг маҳаллий ва халқаро конференцияларда муҳокама қилиниши ҳамда натижаларни тақриздан ўтадиган илмий нашрларда эълон қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, турли тузилишдаги бирикмаларнинг *Anacanthotermes turkestanicus* термити кимёвий коммуникациясига таъсири ва ишчи термитларнинг қорин сегментида из қолдирувчи феромон борлигини аниқланганлиги ҳашаротларнинг ҳаракатини бошқаришнинг молекуляр механизмларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Натижаларнинг амалий аҳамияти термитларнинг популяциясини бошқариш ва улардан биноларни ҳимоя қилишда нафтол ҳосилалари ҳамда этиленгликол ва диэтиленгликолнинг моноэфирлари асосида яратилган хўракли тузоқлардан ҳамда ҳаракатини бошқаришда аниқланилган из феромонидан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Термитларнинг (*Anacanthotermes turkestanicus*) кимёвий коммуникациясига таъсир этувчи биорегуляторларни структур-функционал боғлиқлигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

яратилган тутқич биорегуляторлари Қорақалпоғистон Республикасида термитларга қарши экологик жиҳатдан хавфсиз, арзон, иқтисодий самарадор ем-хўрак тузоқлари сифатида термитлар зарар келтираётган туманлардаги хонадонларда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 02/-2107-сон маълумотномаси). Натижада, термитларга қарши четдан импорт қилинаётган "Регент 200" инсектицидига нисбатан иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган;

яратилган тутқич биорегуляторлар термитларга қарши ем-хўрак тузоқлари сифатида Қорақалпоғистоннинг Кеигели, Бугатов, Тўрткўл, Беруний, Эллиққалъа туманларида ҳамда Навоий вилояти Хатирчи туманининг Янги Йўл, Мингкамиш, Галча, Хўжа, Чоштепа ва Ширинобод қишлоқлари фуқаролари хонадонларида жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини инспекциясининг 2020 йил 11 декабрдаги 01/1-сон маълумотномаси). Натижада, қўлланилган ҳудудларда термитларни сезиларли даражада камайтириш асосида хонадонларни зарарланишдан сақлаб қолиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий ишлар чоп этилган. Шундан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган халқаро журналларда 2 та, республика миқёсида нашр қилинадиган илмий журналларда 3 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 97 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифи келтирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши тўғрисидаги маълумотлар, нашр қилинган ишлар сони ва диссертациянинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Термитлар жамоавий тузилишининг ўзига хослиги ва термитларга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш**» деб номланган биринчи бобида термитлар тарқалиши ва уларнинг турлари, термитларга қарши ишлатиладиган кимёвий моддалар, термитларни биологик назорат қилиш, термитлар феромонлари ва термитларга қарши ҳимоя воситаларининг самарали усуллари ишлаб чиқиш ҳақида маълумотларни ўз ичига олган хорижий ва маҳаллий адабиётлар батафсил таҳлил қилинган. Адабиётлар таҳлили термитларни кимёвий алоқасига таъсир этувчи биорегуляторларнинг структуравий ва функционал боғлиқлигини ҳар томонлама қиёсий ўрганиш заруриятини кўрсатган. Адабиётлар шарҳи асосида ушбу ишнинг ўрганиш объектини танлаш ҳақида хулоса чиқарилган. Диссертациянинг «**Турли фаол бирикмаларни синтез қилиш ва ўрганиш**» (Тадқиқот объекти ва усуллари) деб номланган





иккинчи бобида бирикмаларнинг синтез усуллари, реагентларнинг хусусиятлари, термитларнинг из феромонини ўрганиш ва уларнинг турли бирикмаларга таъсирчанлиги, ем хўрак тайёрлаш ҳамда термитларга қарши кураш усуллари батафсил баён этилган.

Диссертациянинг «Термитлар кимёвий коммуникациясига биорегуляторларнинг таъсири» деб номланган учинчи боби тадқиқотлар натижалари ва уларнинг муҳокамасига бағишланган.

Нафталин ҳосилаларининг термитцидлик хоссаларини ўрганиш. Нафталиннинг 4 та кимёвий модификациясининг заҳарлилик даражаси ўрганилган. Фильтр қоғоз билан озиклантириш орқали бу моддаларнинг заҳарлилиги бўйича ўтказилган тажрибалар асосида α -нафтол, 1-нафтиламин, β -окси-1-нафталдегид ва β -нафтол $5,0 \text{ мкг/см}^2$ концентрацияда термитларга юқори даражада заҳарли эканлиги аниқланган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Нафталин ҳосилаларининг термитларга нисбатан заҳарлилиги ($C=5 \text{ мкг/см}^2$)

Нафталин ҳосилалари	Формула	Ўлим даражаси %			
		3	8	12	20
α - нафтол		35 \pm 0,3	70 \pm 1,2	90 \pm 2,1	100
α -нафтиламин		41 \pm 0,6	68 \pm 0,8	90 \pm 1,9	100
β -окси-1-нафталдегид		51 \pm 0,6	66 \pm 0,7	80 \pm 1,3	90 \pm 1,6
β - нафтол		37 \pm 0,4	46 \pm 0,5	73 \pm 1,1	88 \pm 1,3

*Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси ФА Зоология институти илмий ходими М. Хашимова билан ҳамкорликда амалга оширилди





1-жадвалда келтирилган моддаларнинг заҳарлилигини таққослаб шуни таъкидлаш мумкинки, α -нафтиламин, α -нафтол, β -оксинафталдегид ва β -нафтол $5,0 \text{ мкг/см}^2$ концентрацияларида *Anacanthormes turkestanicus* га нисбатан заҳарлилик хоссаларини намоён қилади. Ўрганилган бирикмалар орасида α -нафтол ва α -нафтиламин термитларнинг 100% ўлимига сабаб бўлди, β -окси-1-нафталдегид ва β -нафтол фақат 20-кунида 90 ва 88% ини, яъни моддаларнинг фаоллиги функционал гуруҳнинг нафтол фрагментига нисбатан тузилишига ва уларнинг жойлашиш ўрнига боғлиқ. Функционал гуруҳнинг α ҳолатда жойлашганлиги β ҳолатдан афзалроқ ҳисобланади. Тузилиши ўхшаш бўлган бирикмалар: α -ацетонафтон, β -ацетонафтон, α -метоксинафталин, β -метоксинафталин заҳарлилиги илгари *Coptotermes formosanus* (АҚШ патенти 2008) турларининг термитларида америкалик тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. *Anacanthotermes turkestanicus* термитига уларнинг заҳарлилиги бўйича олиб борган тажрибалар натижалари 2-жадвалда келтирилган. Бу гуруҳ бирикмаларида заҳарлилик фақат β -ацетонафтонга нисбатан 3 ва 8 кунда намоён бўлди. Бу тажрибаларда термитларнинг нобуд бўлиши β -ацетонафтон молекуласи таркибидаги

функционал гуруҳ (ацетил гуруҳ) β ҳолатда жойлашганда заҳарлилик юқори бўлган. Аниқланган структуравий ва функционал қонуният асосида нафталин ҳосилалари, α -нафтол ва α -нафтиламин $5,0 \text{ } \mu\text{g}/\text{cm}^2$ концентрациялари *Anacanthotermes turkestanicus* термитларга қарши самарали восита сифатида тавсия этилади.

Термитларни назорат қилишнинг асосий усули бу заҳарларни кам концентрацияда ем-хўрак тутқичларидан фойдаланишдир. Ушбу нуктаи назардан *Formosan subterranean* термитларида 2-феноксиэтанол ва 2-нафталинметанолни заҳарлилиги ва фагостимуляторлик фаоллиги бўйича ўрганилган (Laine R.A. ва бошқ., 2005).

2-жадвал

Термитларга нисбатан α -ацетонафтон, β -ацетонафтон, α -метоксинафталин ва β -метоксинафталиннинг заҳарлилик даражаси ($C = 5,0 \text{ } \mu\text{g}/\text{cm}^2$)


Нафталин ҳосилалари	Формула	Ўлим даражаси %			
		3	8	12	20
α -ацетонафтон		Заҳарли эмас			
β -ацетонафтон		60	61,7	Ўрганилмаган	
α -метоксинафталин		Заҳарли эмас			
β -метоксинафталин		Заҳарли эмас			

2-феноксиэтанол ва 2-нафталинметанолнинг фагостимуляторлик хоссаларини ўрганиш. *Anacanthotermes turkestanicus* га нисбатан 2-феноксиэтанолнинг фагостимуляторлик фаоллигини аниқлаш учун 2-феноксиэтанол олинган.

Термитларга 2% ли 2-феноксиэтанол таъсири юқори заҳарлиликни намоён қилди ва озукани ёмон истеъмол қилиши кузатилди (назоратга қараганда деярли 6 барабар кам). Бу термитларнинг 100% ўлимига олиб келди (3-жадвал).

Шу модданинг 0,2% концентрацияда озукка қўшилган ҳолда *Anacanthotermes turkestanicus* нинг истеъмол қилиш даражаси деярли назорат билан бир хил бўлиб, заҳарлилик кўрсаткичи юқори назоратга нисбатан юқори бўлди. Шунга ўхшаш ҳолат (Laine R.A. ва бошқ., 2005) 0,46% концентрацияда 2-феноксиэтанол таъсирида *Formosan subterranean* турида кузатилган. 2-нафталинметанолда озиқа маҳсулотини 2-нафталинметанолнинг концентрациясининг пасайиши билан истеъмол қилиниши ортди, аммо у назоратга нисбатан камроқ бўлди ва заҳарлилиги деярли бир хил бўлди.

2-феноксизэтанол ва 2-нафталинметанолнинг фагостимуляторлик ва заҳарлилик кўрсаткичи

№	Модда	Концентрация, %	Озиқланиши (мг)	Нобуд бўлган термитлар (дона.)
1		2,0	21,0	10
		0,2	127,3	4
2		2,0	64,0	5
		0,2	76,3	5
3	Назорат (сув)	-	119,7	2

Бу маълумотлар асосида 2-нафталинметанол Туркистон термити учун аттрактант эмаслиги, 2-феноксизэтанол эса Туркистон термитига нисбатан фагостимулятор ва заҳарлилик хусусиятларни намоён қилиши аниқланди. Бу эса 2-феноксизэтанолни термит хўраклари матрицаларининг самарали таркибий қисми сифатида ишлатишга имкон беради.

Нафтол-5-сульфокислотаси ва N-гидроксиафталимидларнинг натрийли тузи, трифенилфосфат, анабазин ва госсиполнинг биологик фаоллигини ўрганиш. Истикболли термицидларни излашни давом эттириш мақсадида, Туркистон термитининг нафтол-5-сульфон кислотаси ва N-гидроксиафталимиднинг натрийли тузига, трифенилфосфатга, шунингдек, ўсимликлардан олинган табиий бирикмалар, анабазин ва госсиполга (Содиқов О. С., 1956; Перегуда Т. А., 1988) нисбатан реакцияси ўрганилди.

4-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 0,2% концентрациядаги барча бирикмалар 2,0% концентрациясига қараганда озиқа истеъмолини сезиларли оширади. Бу концентрацияда моддаларнинг термитларга нисбатан заҳарлилик даражасига нисбатан кетма-кет қўйидагича жойлаштириш мумкин: трифенилфосфат>нафтол-5-сульфон кислота натрий тузи>N-гидроксиафталимид натрийли тузи.






Худди шундай ҳолат озиқа сифатида истеъмол қилиш ҳолатига кўра ҳам кузатилади. Нафтол-5-сульфон кислота ва N-гидроксиафталимиднинг натрий тузлари таъсирида заҳарланиш белгилари 0,2%ли концентрациясида секин бўлди, бунда термитларнинг нобуд бўлиши 10 кун давомида 50% ўсди, нафтол-5-сульфон кислотанинг 0,2%ли натрийли тузига эга бўлган озиқада N-гидроксиафталимид натрий тузига нисбатан 3 баробар юқори бўлди. N-гидроксиафталимиднинг 2,0% натрийли тузи таъсирида термитлар бир хил сонда нобуд бўлганда, озиқа сарфи деярли 7 баробар кўп бўлди. Инсектицид сифатида кенг ишлатиладиган трифенил фосфатнинг 2,0% ли концентрациясида термитларнинг 100% нобуд бўлишига эришилди.

Кўпгина муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, гликол эфирлари термитлар учун ем хўракларида, шунингдек, зараркунандаларга қарши мўлжалланган термицидли препаратларнинг

таркибий қисмлари ёки эритувчи сифатида ишлатилади (Патент АҚШ, (1989); Yutaka Nakazono ва бошқ., 1991; Tetsuo Omata ва бошқ., 1968; Патент АҚШ (2010). Ушбу эфирлар *Mastotermitidae* оиласининг 16 турларида ва *Mastotermitidae*, *Kalotermitidae*, ва *Termopsidae* оилаларининг 36 турларида (Шатов К. С., 1974) ҳамда *Japanese subterranean* термитлари учун из феромон хусусиятини намоён қилган.

4-жадвал

Бирикмаларнинг фагостимуляторлик фаоллиги ва захарлиги

Бирикмаларнинг фазислиги, табиий ва синтетик					
№	Бирикмалар	Кимёвий формуласи	Концентрация, %	Истеъмоли (мг.) 10 кун ичида	Нобуд бўлган термитлар сони, дона.
1	Нафтол-5-сульфокислотанинг натрийли тузи		2	81,3	6
			0.2	134,3	5
2	N-гидроксинафталимиднинг натрийли тузи		2,0	12	8
			0,2	45	6
3	Трифенилфосфат		2,0	72,5	10
			0,2	145	7
Табиий бирикмалар					
4	Анабазин гидрохлорид		2,0	85,7	3
			0.2	91,3	2
5	Госсипол		2	78,7	3
			0.2	86	2
Назорат		Сув	-	119,7	2

Этилен- ва диэтиленгликол моноэфирларининг биостимуляторлик таъсири. Гликол эфирларининг биостимуляторлик таъсирини аниқлаш мақсадида этилен ва диэтилен гликол моноэфирларининг синтези амалга оширилди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, этиленгликол ва диэтиленгликол моноэфирлари из феромони хусусиятини Туркистон термитида (*Anacanthotermes turkestanicus*) намоён қилмайди. Шунга ўхшаш натижалар К.С.Шатов (1974) томонидан катта каспий орти термитларига (*Anacanthotermes ahngerianus*) нисбатан ҳам олинган. Бу маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки, гликол эфирлари *Japanese subterranean*, *Mastotermitidae*, *Kalotermitidae*, *Termopsidae* *Mastotermitidae*, *Kalotermitidae*, *Termopsidae* турларидан фарқли равишда Туркистон термити *Anacanthotermes turkestanicus* да из феромони фаоллигини намоён қилмайди.

Мавжуд гликол эфирларидан фойдаланиб, *Anacanthotermes turkestanicus* термитларга нисбатан уларнинг фагостимуляторлик фаоллиги ва захарлиги


даражаси ўрганилди. Диэтиленгликолнинг монобутил эфири 2%ли концентрациясида барча термитларга нисбатан захарлилиги ва нобуд бўлиши сабабли (10 та) термитларнинг озиқланишини сусайтирди. Диэтилен гликол монобутил эфирининг 0,2% ли эритмаси таъсирида озука ейилиши жиҳатидан деярли назорат даражасида бўлди. Шунини таъкидлаш керакки, фақат бу моноэфир қўшилганда, термитлар ишлов берилмаган қоғозни истеъмол қилишни афзал кўрдилар.

Бошқа ҳолларда термитлар қайта ишланган озуқаларни хуш кўришди. Бу этилен ва диэтилен гликол моноэфирларининг фагостимуляторлигини тасдиқлайди. Шундай қилиб, биз биринчи марта этилен гликолнинг моноэтил ва монобутил эфирлари ва диэтилен гликолнинг моногептил эфири фагостимулятор таъсирга эга эканлигини ва термитлар учун ем-хўрак матрицасининг таркибий қисмлари сифатида тавсия этилиши мумкинлигини кўрсатдик.

Термитларнинг из феромонларини аниқлаш. Термитлар из феромонидан озука излашда, озука манбаига йўналтиришда ҳамда бошқа жуда кўп фаолият турларида фойдаланилади (Costa-Leonardo A.M. ва бошқалар., 2009). Термитлар томонидан ишлаб чиқариладиган феромонлар кимёвий табиати, таркибий қисмлари ва нисбати билан фарқ қилади (David E.B. ва бошқ. 2011), бу термитларнинг географик ва турларинг ўзига хослигини кўрсатади. *Anacanthotermes turkestanicus* термитлари ҳақида ягона маълумотлар проф Ҳамраев А.С. томонидан (2008) келтирилган бўлиб, ишчи ва аскар термитлар кўкрак сегменти стернел беги экстрактини фракцияларга ажратишга уринишлар натижалари келтирилган.

Лаборатория шароитида *Anacanthotermes turkestanicus* да из феромонни топиш учун биз препаратив юпка катламли хроматография ёрдамида ишчи термитлар экстрактини фракцияларга ажратиш ва из реакциясини ўрганиш бўйича тажрибалар ўтказдик. 15 г термитларга суюқ азот билан ишлов берилиб, кейинҳавончада майдалаш орқали метанол экстракти олинди. Кейин экстракт метанолда бир кун давомида сақланди. Метанол эритмаси филтрланди ва пасайтирилган босим остида ҳайдалди. Қолган қолдиқ (Prestwich 1984) методи орқали из феромони сифатида тажриба қилинди. Тажрибаларда 80% термитлар метанол эритмаси линияси орқали ва 20% термитлар фақат назорат линиянинг ярмигача келиб кейин изни йўқотганлиги аниқланди.

Ишчи термитлар (II) экстракти ЮҚХ усули орқали (система гексан-эфир 2:1,2) ажратилганда туртта фракцияга (R_f^1 -0,83; R_f^2 -0,45; R_f^3 -0,38; R_f^4 -0,25 2-расм) эга эканлиги аниқланди.



1-расм. Аскар (I) ва ишчи термитлар (II) экстрактларининг юпқа қатламли хроматографияси. Элюент: гексан-эфир (2:1,2).

Ишчи термитларда аниқланган бу фракцияларнинг ҳаммаси из феромони фаоллигига текширилди (5-жадвалга қаранг). $R_f = 0,83$ фракциясида термитлар тўлиқ ҳаракатланиши кузатилди. 5-жадвалдан келиб чиққан ҳолда $R_f = 0,0$ фракция ҳам термитларни ўзига жалб қилиши аниқланди. Бу термитларнинг қорин сегменти кутикула липидлари билан боғлиқ бўлган из феромони экстрактнинг гексан муҳитига ўтиши билан боғлиқ. Тажрибалардан келиб чиққан ҳолда энг яхши натижалар $R_f = 0,83$ ва $R_f = 0,00$ фракцияларда кузатилди. Ҳисоб китоблар $R_f = 0,83$ фракциясида бутун тўлиқ из феромони мавжудлиги аниқланди.

5-жадвал


Ишчи термитлар экстракти фракцияларининг из фаолиги

Фракциялар	Из фаолигини аниқлаш учун экстракт миқдори ва фракцияси (µкл),										
	5	10	20	30	40	50	60	70	80	90	100
$R_f = 0,83$	+	+	+	+	+	++	+	+	+	+	+
$R_f = 0,45$	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
$R_f = 0,38$	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
$R_f = 0,25$	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
$R_f = 0,0$	-	-	-	++	+	+	+	+	+	+	+

+ термитлар тегишли фракцияда фаол бўлган

- термитларда фаоллик мавжуд эмас

Ушбу фракция ГХ-МСда анализ қилинди (спектр 2-расмда келтирилган). ГХ-МС спектрида 14 ва 16 минутларда 264 m/z массали актив компонент чиқиши кузатилди (2-расм).



2-расм. $R_f = 0,83$ фракциясинг ГХ-МС спектри

2-расмдаги $R_f = 0,83$ фракцияли ажратиб олинган ГХ-МС спектри NIST Ver.2.1 MS маълумотлар базасидан ва ГС-МС ёрдамида олинган спектр билан таққослаш ёрдамида фракциянинг фаол компонентининг аниқланиб, термитларда *Anacanthotermes turkestanicus* из феромонининг фаоллиги аниқланди. Термитлар ишчилари ва аскарлари из реакциясини қиёслаб ўрганилди (6-жадвал). Бунда аскар термитлар экстракти ва фракцияларига деярли из реакцияси мавжуд эмаслиги аниқланди.

Ишчи ва аскар термитларда из феромони фаоллиги аниқлаш натижалари

№	Термитлар популяцияси	GE(Из бирлик) 0.01 мл да	
		Khamraev A. S. ва бошқ., 2008*	Бизнинг кўзатувлар**
1	Ишчи термитлар	0,53±0,3	5,8±2,75
2	Аскар термитлар	-	0,25±0,11

*стернал безлари экстракти

**ишчи термитлар экстракти

Олинган натижаларни А.Ш.Хамраев маълумотлари билан таққослаб, шуни таъкидлаш мумкинки, термитлар бутун танаси экстрактининг из фаоллиги стернал бези экстракти фаоллигидан деярли 11 баробар юқори. Бу фарқ, шубҳасиз, бутун термит танаси экстракт таркибидаги феромоннинг конъюгирланган ҳолда экстракцияси бўлиши, бу эса термитларнинг кўкрак сегменти кутикуласи билан боғлиқ. Мақолада келтирилган дастлабки фракциялаш натижалари, муаллифларнинг таъкидлашича (Хамраев А.Ш. ва бошқ., 2008), «фракцияларнинг ҳеч бири ишчи термитлар томонидан юқори фаоллик бермагани учун ишончли бўлмаган». Шундай қилиб, ишчи термитларнинг бутун экстракти таркибида ЮҚХ ва ГХМС усулларида фойдаланган ҳолда из феромони фаоллигини берувчи фракция аниқланди ва унинг тахминан m/z 264 га тенг молекуляр оғирликка эга эканлиги кўрсатилди (2-расм).

Дала синовларида бирикмаларнинг аттрактантлик хусусиятларини ўрганиш. Турли мамлакатларда олиб борилаётган муҳим ишларга қарамадан, ҳозирги вақтда термитлар томонидан шикастланишига қаршилик кўрсатишнинг оддий ва ишончли мезонлари мавжуд эмас. Термит билан курашиш қийинчилик туғдириши ва муҳим молиявий харажатлар билан боғлиқ бўлгани учун олимлар биологик синовларга эътиборни беришади. Шу муносабат билан термитларга қарши курашиш учун юқори самарали воситаларини яратиш зарурати ошди. Кўплаб лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ва кузатувлари асосида термитлар учун заҳарли ем-хўрақлар ишлаб чиқилмоқда. Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, терак кипиклари (*Poplus spp*) термитларни жалб қилувчи ва мақбул маҳаллий озиқа маҳсулоти ҳисобланиб, у хўрак матрицаси таркибига киритилди. Самарадорликни ошириш учун бизнинг арсеналимизда мавжуд бўлган аттрактантлар ва токсикантлар ем-хўрак таркибига қўшилди. Шундай қилиб, биз янада такомиллашган ва иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган озуқа танладик. Табиий шароитда, препаратларнинг самарадорлиги хўракларни тупроққа кўмиш орқали амалга оширилди.

Хўраклар 50 мм диаметрли ва 150 мм узунликдаги иккита томонлари очик бўлган цилиндрсимон шаклдаги прессланган картондан тайёрланган (3-расм, А, Б, В.). Улар термитлар эркин кириш ва чиқиши учун 5 мм диаметрли цилиндрнинг деворида қўшимча тешиклар билан таъминланган.



А



Б



В

3-расм. А-цилиндр шаклида прессланган картон, Б-термитлар учун тайёр хурак, В-хуракларни тайёрлаш учун керакли инградиентлар.

Моддалар Навоий вилоятининг Хатирчи тумани, Янги йўл, Мингкамиш, Галча, Хўжа, Чоштепа ва Ширинобод қишлоқлари фуқаролари хонадонларида синовдан ўтказилди. Хўраклар бинонинг периметри бўйлаб 40 сантиметр чуқурликда ва бинонинг пойдеворидан уйнинг ташқи томони бўйлаб 25-30 сантиметр ораликда ўрнатилди. Дала синовларида моддаларнинг самарадорлиги термитлар билан зарарланиши аниқ бўлган қишлоқ уйларида амалга оширилди.


7-жадвал


5 дона тузоқлар учун озиқ – овқат маҳсулотларининг таркиби

Тузоқларда озиқ-овқат қўшимчалари таркибий қисмларининг номи	Қўшимчалар массаси
Дарахт кипиғи	200 гр.
Сув	500 мл
Фаол модда	0,6 гр.
КМЦ	8,0 гр.
Биртузоқдаги овқатнинг умумий массаси	80,0 гр

Дала тажрибалари учун қуйидаги моддаларнинг 0,2% концентрацияси танланди: 2-нафталинметанол, 2-феноксизтанол, трифенилфосфат, N-гидроксинафтолимиднинг натрий тузи, нафтол-5-сульфон кислотасининг натрий тузи, этилен гликолни монобутил эфири, диэтилен гликол монобутил эфири ва фенол. Назорат тажрибалари моддаларни ўз ичига олмайди.


Моддаларнинг биологик фаоллиги диаграмма кўринишида 4-расмда (А, Б, В, Г) кўрсатилган. Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш ва ўзаро боғлиқлик таҳлили GraphPadPrism 8.0.1. дастури ёрдамида амалга оширилди. 4-расм, А-да кўрсатилган биринчи бирикмалар гуруҳининг фаоллигини ҳисобга олсак, улар учинчи кунда фагостимулятор таъсири деярли бир хил кўрсаткичга эга эканлигини пайқаш мумкин, фақат этилен гликол бутил эфири бундан мустасно.





4-расм. Бирикмаларнинг фагостимуляторик (А, Б) ва захарлилик (В, Г) таъсири кунлар бўйича.

Еттинчи кундан кейин барча бирикмаларнинг фаоллиги бир хил фаолликка эга бўлиб, бу бирикмалар учун синовнинг учинчи кунига нисбатан кескин ошди (5 марта): 2-нафталенметанол, 2-феноксиэтанол ва диэтилен гликол бутил эфири. Этилен гликол бутил эфири ушбу учта кўрсаткичдан 1,7 камроқ кучсизроқ эди. Синовнинг 10-кунидаги юқори фаоллик кўрсаткичи этиленгликол бутил эфирига хосдир. Қолган бирикмаларнинг фаоллиги 2-феноксиэтанолдан диэтилен гликол ва 2-нафталенметанолнинг бутил эфирига ўтишда пасайган. Тадқиқотнинг 30-куни этиленгликол бутил эфирини ўз ичига олган хўраklar учун энг юқори бўлди, фагостимулятор таъсирининг самарадорлиги 2-нафталинметанолдан деярли 2 баравар, мос равишда 2-феноксиэтанол ва диэтиленгликол бутил эфири 1,5 баравар юқори юқори бўлди. 4-расм, Б-да кўрсатилган бирикмалар фагостимуляторлик таъсирини кўрсатди. N-гидроксинафтолимиднинг натрийли тузи фаоллиги фақат тадқиқотнинг 10-кунида жуда заиф намаён бўлди. Синовларнинг учинчи куни фенол учун трифенилфосфат ва нафтол-5-сулфокислотасининг натрийли тузи билан солиштирганда энг сезиларли бўлди. Ушбу бирикмаларнинг барчаси учинчи кундан 30 кунгача фаоллигининг ошиши билан тавсифланди. Худди шу таъсир тажрибанинг 7-кунида нафтол-5-сулфокислотасининг натрийли тузи ва фенол учун ҳам қайд этилди. Фенол фагастимулятор сифатида 10 ва 30 кунлик ҳисоб-китоблардан сўнг деярли бир хил фаоллик кўрсатди. Ушбу моддалар қаторида максимал таъсир тадқиқотнинг 30-кунида, нафтол-5-сулфокислотасининг натрийли тузида аниқланди. Нафтол-5-сулфокислотасининг фаоллиги синовнинг 7 ва 10 кунидаги трифенил фосфатдан ҳам юқори.



5-расм.Тажрибалар ўтказилган 3, 7, 10 ва 30 кундан кейин хураklar ҳолати

Барча танланган бирикмаларга фагостимулятор фаолиятни тадқиқ қилишни сарҳисоб қиладиган бўлсак, этиленгликолнинг бутил эфири ишчи термитларга нисбатан энг юқори фаолликка эга эканлигини таъкидлаш

мумкин. Нафтол-5-сульфокислотасининг натрийли тузи, этиленгликол эфиридан 1,5 баравар кучсизроқ. Шунинг учун, бу бирикмаларни термитларни бошқариш учун хўрақларда самарали фагостимуляторлари сифатида фойдаланишга тавсия этиш мумкин. Юқоридаги бирикмаларнинг инсектицид таъсирининг биологик самарадорлиги натижалари 4-расмда (В ва Г) келтирилган. Ушбу тажрибаларда инсектицид таъсиридан термитларнинг тез нобуд бўлиши мақсад қилинмаган, чунки инфекцияланган термитлар бошқа термит томонидан уясида чикариб юборилади ёки йўқ қилинади. Бундан ташқари термитлар инсектицид сифатида қайта ишланган жойларни четлаб ўтади. Натижада захарланиш оиладаги оз сонли термитларга таъсир қилади, уларнинг сони тезда тикланади. 2-нафталинметанол, диэтиленгликол бутил эфири, этиленгликол бутил эфири ва 2-феноксизтанол термитларга нисбатан захарлилик хусусиятларни кўрсатди. Ушбу босқичли тадқиқотларда этиленгликолнинг бутил эфири бошқа бирикмаларга қараганда 30 кундан кейин энг юқори инсектицидлик таъсирини кўрсатди.

Кейинчалик, фаоллик жиҳатидан этиленгликол бутил эфиридан фаоллиги бўйича 4 ва 3,75 баравар кам бўлган 2-феноксизтанол ва 2-нафталинметанол жойлаштирилди. 10-куни белгиланган самарадорлик маълумотларига асосланиб, 2-феноксизтанол ва 2-нафталинметанолнинг фаоллиги этиленгликол бутил эфиридан 1,5 баравар юқори ва диэтиленгликол бутил эфиридан атиги 1,25 баравар юқори эканлиги маълум бўлди. 4-Г расмда кўрсатилган бирикмаларнинг инсектицид таъсирини ўрганиш шуни кўрсатадики, ушбу қатор бирикмалардаги нафтол-5-сульфокислотасининг натрийли тузи тажрибанинг 10-кунида энг юқори фаолликни намоён этади. Иккинчи энг самарали модда фенол бўлиб, аммо бу нафтол-5-сульфокислотасининг натрийли тузининг фаоллигидан 1,5 баравар кучсиздир. Қолган препаратлар нафтол-5-сульфокислотасининг натрийли тузига ва фенолга қараганда инсектицидлик таъсири сезиларли даражада паст бўлди.

Шундай қилиб, ҳар хил кимёвий табиатдаги турли хил саккизта бирикманинг биологик хусусиятларини ўрганиш асосида термитларга нисбатан иккита модданинг ўзига хос фагостимуляторлик хоссага эга эканлигини аниқлаш имконини берди: нафтол-5-сульфон кислотасининг натрийли тузи ва этиленгликолнинг бутил эфири, шунингдек, иккита бирикма: нафтол-5-сульфон кислотасининг натрийли тузи ва фенолни *Anacanthotermes turkestanicus* ишчи термитларга қарши самарали инсектицид воситаси сифатида ишлатилиши мумкин.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида ўзларининг тегишли беминнат масалаҳаларини берганлари учун кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим Х.Хайитбоевга муаллиф ўзининг чуқур миннатдорчилигини билдиради.

Хулосалар

Ушбу диссертация иши доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Илк бор нафталиннинг α -нафтиламин, β -окси-1-нафталдегид, α -нафтол, β -нафтол модификациявий тузилмасига эга бўлган ҳосилалари, этиленгликол ва диэтиленгликолнинг моноэфирлари ҳамда анабазин ва госсиполнинг *Anacanthotermes turkestanicus* термитига нисбатан аттрактив таъсир этиш хоссалари аниқланди;

2. Нафтил ҳосилаларининг термитларга нисбатан фагостимуляторлик фаоллиги улар ўринбосарларининг асосий жойлашган ўринлари ҳисобига боғлиқлигига кўра 2-феноксиэтанол термитларга қарши хурак матрицаларининг таркибий қисми сифатида таклиф қилинди.

3. Нафтол-5-сулфокислота ва N-гидроксинафталимидларнинг натрий тузлари, трифенилфосфат ҳамда анабазин ва госсиполли бирикмаларнинг 0,2% концентрацияли комплексларнинг озиқабоплик даражасининг юқорилиги ва шунга кўра термитларнинг нобуд бўлишига қуйидаги кетма кетликда самарали таъсир этиши аниқланди: трифенил фосфат> нафтол-5-сулфокислотаси натрий тузи>N-гидроксинафталимид натрий тузи.

4. Биринчи марта этиленгликолнинг монометил, монобутил эфирлари ва диэтиленгликолнинг моногептил эфирлари синтез қилиниб, уларнинг фагостимуляторлик таъсирга эга эканлигига кўра, термитлар учун хурак яратилди ва фойдаланишга тавсия этилди.

5. Юпқа қатламли хроматография ва хроматомасс спектрометрия усулларида фойдаланган ҳолда, ишчи термитларнинг бутун танаси экстрактида из феромони мавжудлиги аниқланди ва унинг молекуляр оғирлиги 264 га тенг эканлиги исботланди.

6. 1-нафтол-5-сулфокислотасининг натрий тузидан ўлжа тузоқларида фойдаланиш рентабеллиги ҳисоблаб чиқилиб, унинг экологик жиҳатдан ноқулай хусусиятларга эга бўлган импорт қилинаётган "Регент 200 (Марказий Осиё иқлим шароитида бир қатор захарли моддаларни чиқариш билан ажралиб туради)" препаратидан 2 марта арзонроқ эканлиги аниқланди ва амалиётга қўллаш учун тавсия этилди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАВСИЯЛАР

1. Этиленгликолнинг монометил, монобутил эфирлари ва диэтиленгликолнинг моногептил эфирлари яратилган хурак термитларга қарши кураш ҳамда популяциясини қисқартириш учун фойдаланишга тавсия этилади.

2. Термитлар ҳаракатини бошқаришда уларнинг қорин қисмидан ажараладиган из феромонидан фойдаланиш тавсия этилади.

3. 1-нафтол-5-сулфокислотасининг натрий тузидан ўлжа тузоқларида фойдаланиш рентабеллиги ҳисоблаб чиқилиб, унинг экологик жиҳатдан ноқулай хусусиятларга эга бўлган импорт қилинаётган "Регент 200 (Марказий Осиё иқлим шароитида бир қатор захарли моддаларни чиқариш билан ажралиб туради)" препаратидан 2 марта арзонроқ эканлиги аниқланди ва амалиётга қўллаш учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/05.06.2020.В/ 91/03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ГУЛИСТАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ
МИРЗО УЛУГБЕКА**

ТОГАЕВ УЛУГБЕК РАХМОНКУЛОВИЧ

**ИССЛЕДОВАНИЕ СТРУКТУРНО-ФУНКЦИОНАЛЬНОЙ
ЗАВИСИМОСТИ БИОРЕГУЛЯТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА
ХИМИЧЕСКУЮ КОММУНИКАЦИЮ ТЕРМИТОВ
*ANACANTHOTERMES TURKESTANICUS***

**02.00.10 - Биоорганическая химия
(биологические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Гулистан – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/B500.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.guldu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научные руководители:

Тилибаев Зантжон
доктор биологических наук

Официальные оппоненты:

Цомамшко Наталья Евгеньевна
доктор биологических наук

Пазылов Абдуваент
доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация:

Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «4» мая 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/05.06.2020.B.91.03 при Гулистанском государственном университете (Адрес: 120100, г. Гулистон, 4-микрорайон, Тел. (67) 225-42-75, факс: (99867) 225-40-42).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Гулистанского государственного университета (регистрационный номер № 3). Адрес: 1120100, г. Гулистон, 4-микрорайон, Тел. (67) 225-42-75, факс: (99867) 225-40-42), e-mail zafat@mail.ru.

Автореферат диссертации разослан: «19» 04 2021 года.

(реестр протокола рассылки № 3 от «19» 04 2021 года).



Х. Х. Кушиев

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

З.У. Абдикулов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.х.н., доцент

Н. Р. Хашимова

Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире ощутимый вред, причиняемый термитами народному хозяйству, растёт с каждым годом. В настоящее время известно более 2900 видов термитов, из которых 120 видов зарегистрированы как вредители. "Анализ ущерба, который термиты наносят зданиям в Западной Африке, США и в других государствах, показали, что одно семейство термитов, состоящее из 25 тысяч особей, в течение всего года потребляет целлюлозу, объём которой в среднем составляет 50 тысяч см³³. Состояние потребления целлюлозы у термитов объясняется биохимическими процессами, происходящими под влиянием ферментов симбионтов, которые выделяются из жидкостей пищеварительных желез и обладающие высокой активностью. Поэтому важно разработать методы борьбы, позволяющие управлять активностью биохимических процессов, связанных с активностью пищеварительных желез и симбионтных ферментов.

Многие крупные научные центры мира в направлении борьбы с термитами проводят исследования по созданию современных методов биологической борьбы с целью сокращения его популяции и контроля его количественных показателей на основе распространенности термитов, их взаимосвязи с позвоночно-беспозвоночными животными и микроорганизмами. В связи с этим особое внимание уделяется разработке системы контроля их движения с помощью феромонов, а также совершенствованию методов борьбы против термитов созданием ядовитой пищи на основе патогенных грибов и микроорганизмов, поиску новых видов паразитических микроорганизмов у термитов, выявлению физиолого-биохимических процессов, связанных с преобладанием популяций термитов и активностью пищеварительных желез и ферментов симбионтов.

На основе проведенных в нашей стране исследований по борьбе с термитами достигнуты определенные научные результаты по разработке эффективных средств борьбы с использованием химических и биологических методов. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан⁴ определены специальные задачи по "стимулированию научно-инновационной деятельности, созданию эффективных механизмов внедрения научно-инновационных достижений в практику". С этой точки зрения в диссертации имеет особое значение создание эффективных термитов на основе определения роли различных классов соединений в борьбе с термитами и разработке системы применения биорегуляторов, влияющих на химическую коммуникацию термитов *Anacanthotermes turkestanicus*.

³[http:// www. ars. usda.gov/is/pr/2010/100217.htm](http://www.ars.usda.gov/is/pr/2010/100217.htm)

⁴ Указ президента Республики Узбекистан УП-4947 "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 7 февраля 2017 года.

Результаты данного диссертационного исследования в определенной степени служат реализации задач, указанных в Указе президента Республики Узбекистан УП-4947 " О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" от 7 февраля 2017 года, в Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан "Об ускорении борьбы с термитами в Республике и ликвидации их вреда" от 4 сентября 2019 года и №725 "О внесении изменений и дополнений в постановление №27 от 2 февраля 2012 года" и других нормативно-правовых актах, связанных с данной деятельностью.

